



**THE ROLE OF YOUTH LABOR MIGRATION IN THE DEVELOPMENT OF HUMAN
CAPITAL**

Bakieva Iroda Akbarovna
TDIU, I.F.N., Docent
i.bakiyeva915@gmail.com

Saidov Nurali Raximovich
TDIU, Senior Lecturer
saidovnurali@gmail.com

Annotation

The article examines the theoretical aspects of the impact of labor migration on the growth of human capital, analyzes the current state of migration processes in the country, the causes and consequences of youth migration, based on the results obtained, appropriate conclusions are drawn on the problem under study.

Keywords. Human capital, migration, labor migration, reasons for migration, youth migration, educational migration.

Аннотация

Мақолада инсон капиталига меҳнат миграциясининг таъсири назарий жиҳатдан ўрганилган, республикада меҳнат миграцияси ҳолати ўрганилиб, улар таркибида ёшлар миграциясининг сабаблари, оқибатлари таҳлил қилинган ҳамда олинган натижалар асосида ўрганилаётган муаммо бўйича хулосалар берилган.

Калит сўзлар. Инсон капитали, миграция, меҳнат миграцияси, миграция сабаблари, ёшлар миграцияси, таълим миграцияси.

Аннотация

В статье исследуются теоретические аспекты влияния трудовой миграции на рост человеческого капитала, анализировано современное состояние миграционных процессов в стране, причины и последствия миграции молодежи, на основе полученных результатов сделаны соответствующие выводы по исследуемой проблеме.

Ключевые слова. Человеческий капитал, миграция, трудовая миграция, причины миграции, молодежная миграция, образовательная миграция.



Кириш.

Ҳозирги босқичда иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши динамиклик, мураккаблик ва ноаниқлик билан ажралиб туради. Ҳалқаро иқтисодий майдонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда ривожланаётган мамлакатларда ҳам инсон капитали сифати сезиларли даражада ошмоқда. XXI асрда инсон капиталининг юқори сифатига эга бўлган, уни самарали кўпайтираётган ҳамда ундан фойдаланаётган мамлакатлар аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш учун катта имкониятларга ва рақобатбардош устунликларга эгадирлар.

Инсон капиталини кўпайтириш муаммосини ҳал қилишнинг энг тезкор ва энг кам харажат усули миграция капиталини кўпайтириш, яъни меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш орқали мамлакатларда ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифини мувозанатлаштиришдир. Ҳалқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотига кўра, 2020 йилда халқаро мигрантларнинг умумий сони дунё бўйлаб қарийб 281 миллион кишини ташкил этди. Бу даврга келиб ўз туғилган жойи ёки фуқаролик мамлакатидан узоқда яшовчи инсонлар сони 2000 йилдаги 173 миллиондан ҳамда 2010 йилдаги 221 миллиондан анча ошиб кетди. Ҳалқаро мигрантлар сони дунё аҳолисидан тезроқ ўсиб бориши сабабли уларнинг дунё аҳолисидаги умумий улуши 2000 йилда 2,8 фоиз, 2010 йилда 3,2 фоиз бўлган бўлса 2020 йилга келиб 3,6 фоизга етди. 2019 йилда мигрантларнинг расмий пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 689 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетганлиги мамлакатларда инсон капиталини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлмоқда [1].

Адабиётлар таҳлили

Инсон капиталининг асосчилар бўлган Т. Шульц ва Г. Бекернинг XX асрнинг 60-йилларидаги концепциясига кўра, унинг таркиби соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ахборот ва миграция капиталлари ҳисобига шаклланади [2]. Шуни таъкидлаш жоизки, инсон капитали назариясида даромадларни, таълим даражасини ва бошқаларни оширишга қаратилган инсон капиталига инвестициялар сифатида миграциянинг деярли барча турлари ўрганилган [3]. Бундан ташқари, инсон капиталининг такрор ишлаб чиқарилиши унинг таркибидаги барча элементларнинг жадал ривожланишига асосланади ва ўз навбатида у шахсдан ҳам, фирмадан ҳам, давлатдан ҳам маълум молиявий ресурсларни талаб қилади [4]. Ҳалқаро меҳнат миграциясини ўрганишга назарий ёндашувлар Харрис Ж. ва Тодаро М. [5], Ли Э. [6], Равенштейн Э. [7] ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида тадқиқ қилинган бўлиб, уларда миграция хулқ-атвори ва унинг иқтисодий оқибатлари ўрганилган. Миграциянинг асосий сабаблари сифатида соф иқтисодий фойдалардаги фарқлар, асосан ишга жойлашиш имкониятлари ҳамда иш ҳақининг ошиши асосланган. Бу назариялар ўз навбатида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш учун инсон капитали назариясидан фойдаланиш меҳнат миграциясини унумдорликни ва даромадни ошишига олиб келадиган инвестициялар сифатида



кўриб чиқилишига туртки бўлган [8]. Шахс учун ҳаракатланишнинг афзалликларини пул билан аниқ баҳолашга уринишлар қилинди. Кейинги илмий тадқиқотларда ҳаёт сифатини яхшилаш, истеъмол даражасини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият хизматларидан фойдаланиш имкониятлари миграциянинг асосий ҳаракатлантирувчиси сифатида кўриб чиқила бошланди (масалан Глазер, Керр В. [9, 10] ва бошқалар).

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида олим ва мутахассислар томонидан ҳам миграция соҳасига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. К.Х.Абдурахмонов [11], Л.П.Максакова [12], Э.М. Муҳиддиновларнинг [13] илмий ишларида миграция жараёнларининг республика меҳнат бозорида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик ҳолатини юмшатиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилашдаги ролига етарлича эътибор қаратилган. Мамлакатимиз олимларининг меҳнат миграцияси муаммолари бўйича тадқиқот материаллари борлигига қарамай, инсон капиталини оширишда ёшлар миграциясининг ўрни ўрганишни талаб қилади.

Натижалар муҳокамаси

Миграция жараёнлари инсон капитални сифатига ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Шу муносабат билан халқаро меҳнат миграциясини нафақат халқаро савдо ва капиталнинг трансчегаравий ҳаракатининг фаоллаштирувчиси, балки глобаллашув жараёнининг омиллари ва таркибий қисмларидан бири сифатида ҳам унинг оқибатларини ўрганиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат миграцияси жараёнларининг инсон капитални сифатига таъсирини ўрганишга илмий қизиқиш миграция жараёнлари кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон аҳолисининг ҳам ҳаёти ва фаолиятида ажралмас қисмига айланганлиги билан боғлиқ.

Миграция масалалари ҳар доим халқаро интеграциянинг бир бўлаги бўлган. Миграция жараёнларини ўрганиш шуни кўрсатдики, замонавий дунёда миграциянинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс даражада ошган, чунки улар инсон капитални нуқтаи-назаридан донор ва қабул қилувчи мамлакатларда меҳнат бозорини шакллантиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Аҳолининг меҳнат миграцияси ва Ўзбекистонда меҳнат бозорини тартибга солиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммосини ўрганиш шуни кўрсатадики, бозор ислохотларининг реал амалиётида мамлакатнинг турли минтақалари ўртасида сифат кўрсаткичлари ҳамда мавжуд меҳнат ресурсларининг касбий ва малакавий даражаси ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжуд.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий вазиятда яқин келажакда етарли миқдордаги иш ўринларини яратиш имконсиздир, натижада мамлакатимиздан чет элга ишлаш учун кетганлар бугунги кунда 1 млн 740 минг нафар кишини ташкил этмоқда [14]. Шунинг учун давлат ташқи миграцияни ташкил этиш ва тартибга солишга эмас, балки меҳнат ресурсларини қайта экспорт қилишга эътибор бериб, иш билан бандлик стратегиясини қайта кўриб чиқиши керак.



Меҳнат миграциясининг инсон капитали сифатига таъсирини кўриб чиқаётганда, иқтисодиёт соҳаларида иш билан бандларни ҳам, ишсизларни ҳам, шунингдек яширин ишсизлик шаклларида бири бўлган тўлиқ иш куни ишламайдиганларни ҳам ўз ичига оладиган "иқтисодий фаол аҳоли" тоифасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки миграция жараёни иштирокчилари сифатида айнан шу тоифадаги аҳоли қатлами майдонга чиқади ҳамда миграцион ҳаракатнинг кенг катта оқимини айнан меҳнат мигрантлари ташкил қилади.

Таҳлиллар натижаси.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли аҳоли улушининг кўплиги, меҳнат бозорида муносиб иш ўринларининг етишмаслиги натижасида ишга жойлашишнинг қийинлиги, ойлик иш ҳақларининг пастлиги аҳоли ҳаракатида эмиграциянинг жараёнларининг юқори даражасига сабаб бўлмоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда аҳолининг эмиграция ва иммиграция ҳолати
Манба: www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Расмдан кўринадики, республикада аҳоли миграцияси ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бунда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмининг эмиграцияси йиллар давомида илгарилаб келган. Жумладан, 2011 йилда эмигрантлар сони иммигрантларга нисбатан 34,8 % га кўпроқ бўлган. 2019 йил охири ва 2020 йил давомида дунёда тарқалган Covid-19 вирусининг тарқалиши сабабли даромад олиш ёки ўқиш учун кетган мигрантларнинг қайтиб келиши сабабли республика аҳолисининг иммиграция ва эмиграция жараёнларидаги фарқлар нисбатан қисқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва



уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши меҳнат миграциясини тартибга солишда муҳим ҳужжатлар бўлди.

Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш функциясини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги амалга оширади. Агентликка Ўзбекистон фуқароларига уюшган ёллаш, ўқитиш, мослашиш чоралари ва чет элга ишга қабул қилиш жараёнларини самарали бошқариш ва назорат қилиш орқали чет элда ишлаш ҳуқуқларини амалга оширишда ёрдам бериш вазифаси юклатилган.

2020 йил ноябрь ойида Олий мажлис қонунчилик палатасида бўлиб ўтган мажлис муҳакамасида қайд этилишича жорий даврда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали кетганлар 60 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг 34 мингдан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади [14]. Улар орасида турли даражадаги маълумот ва кўникмага эга бўлганлар кўпчиликини ташкил этади ва замонавий шароитларда "ақллар оқими" уларнинг диверсификацияси (айланиши) нафақат "капиталга" балки "капитал билан ва унинг кетидан" тамойили асосида тўлдирилмоқда. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистондан олимларнинг чиқиб кетиши асосан ўзбекистонлик ва хорижий олимларнинг иш ҳақи, илмий тадқиқотларни олиб бориш учун яратилган шарт-шароитлардаги фарқ туфайли ошмоқда.


Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар орасида малакали ва юқори малакали кадрлар учун рақобатнинг кучайиши, таълим миграциясини мамлакатларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва инсон капиталини шакллантириш омили сифатида қабул қилиш бугунги кунда миграция жараёнлари соҳасидаги глобал тенденциялардир. Ушбу тенденциялар Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари қаторида Ўзбекистонга ҳам тааллуқли бўлиб, уларнинг ривожланиш суръати бутун минтақанинг ривожланишини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан, таълим олиш ёки бошқа мамлакатларда иш топиш мақсадида ёшлар миграциянинг кўпайиши Ўзбекистон учун долзарб муаммо ҳисобланади. Ташқи меҳнат мигрантлари таркибида сўнгги йилларда ёшларнинг улуши ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра жами меҳнат мигрантларининг 37,7% ини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этди. Бу борада қишлоқ аҳолисининг улуши 39,9% кўрсаткичига етган (2-расм).

Кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолиси шаҳарликларга нисбатан ёшроқ даврларидан хорижга меҳнат мигранти сифатида кетмоқдалар. Қишлоқ ёшлари ўз яшаш жойларида муносиб иш топишда қийинчиликлар ва тўсиқларга учрашлари ҳамда муносиб даромад манбаларига эга




бўлмаганликлари ижтимоий-иқтисодий тўсиқлар сабабли хорижий давлатларга чиқиб кетиш ҳолатлари кўпроқ учрамоқда.



2-расм. Мигрантларнинг ёши тўғрисида маълумот, %

Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Олиб борилган сўровларда меҳнат мигрантларнинг 3/5 қисми ўрта махсус маълумотга эга шахслар бўлиб, сўнгги йилларда бу кўрсаткични мунтазам ортиб бораётганлигини 3-расмда кўришимиз мумкин.




3-расм. Мигрантларнинг таълим даражаси бўйича маълумот, %



Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Сўнгги 10 йил мобайнида бу кўрсаткич деярли 2 баробарга ортди. Бу эса ўрта маълумотли бўлган меҳнат мигрантлари улушини деярли 2 баробар камайишига олиб келди. Динамиканинг бундай бўлишига асосий сабаб 30 ёшгача ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиси бўлган ёшларнинг ташқи меҳнат миграциясида кескин ортиб бориши билан изоҳланади. Одатда тўлиқ ўрта ҳамда ўрта махсус маълумотли мигрантлар қишлоқ аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, олий маълумотли мигрантларнинг улуши ҳам мунтазам равишда ортиб бормоқда ва 2020 йилга келиб жами меҳнат мигрантларнинг 7,7% ини ташкил этди. Олий маълумотли меҳнат мигрантлар эса шаҳар аҳолиси тоифасида кўпчиликни ташкил этаётганлиги кузатилди. Ривожланган ва тез ривожланаётган мамлакатлар орасида малакали ва юқори малакали кадрлар учун рақобатнинг кучайиши, таълим миграциясини мамлакатларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва инсон капиталини шакллантириш омили сифатида қабул қилиш бугунги кунда миграция жараёнлари соҳасидаги глобал тенденциялардир. Ушбу тенденциялар Марказий Осиёнинг барча мамлакатларига тааллуқлидир ва асосан уларнинг ривожланиш суръати ва моҳиятини, шунингдек бутун минтақанинг ривожланишини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, таълим олиш ёки бошқа мамлакатларда иш билан таъминлаш мақсадида ёшлар эмиграциясининг кўпайиши Ўзбекистон учун замонавий муаммога айланмоқда.

Ўзбекистон Давлат статистика Қўмитаси маълумотларига кўра, республикадан кўчиб кетувчиларнинг энг катта салмоғини ўрта махсус касб-хунар ҳамда умумий ўрта маълумотлилар ташкил қилмоқда (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон Республикасидан хорижга кўчиб кетганларнинг маълумоти тўғрисида, киши



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган Келтирилган расмдан кўриб турганимиздек, ўрганилаётган даврларда республикадан кўчиб кетувчилар орасида олий маълумотли эмигрантларнинг улуши камайиб бориши билан бирга, умумий ўрта маълумотли эмигрантларнинг сони ортиб бормоқда. Бундай вазиятни кўпроқ хорижий таълим муассасаларида ўқиш мақсадида рўй бераётганлиги билан изоҳлаш мумкин, касб хунар таълимига эга бўлганлар харакати эса меҳнат миграцияси билан боғлиқ.

Ўзбекистонда таълим миграциясининг асосий йўналишлари сифатида 2019 йилда Россия Федерациясига 19477 нафар ёшлар (2018 йилга нисбатан 7,6%га камайган), Корея Республикасига 4505 нафар ёшлар (2018 йилга нисбатан 15 %га ортган), Хитой Халқ Республикасига 3915 нафар ёшлар (2018 йилга нисбатан 38,7 %га ортган) ўқиш учун кетган. Бундан ташқари ўзбекистонлик ёшлар Туркия, Латвия, АҚШ, Япония, Буюк Британия ва Малайзия каби таълим соҳаси ривожланган давлатларда ҳам ўқимокдалар.

Республика ёш фуқароларининг катта қисми таълим миграциясини ушбу мамлакатдан кейинги кўчиб ўтишнинг поғонаси сифатида қарайдилар. Ўзбекистонда ёшларнинг доимий яшаш учун эмиграцияси асосан таълим миграцияси орқали амалга оширилиши билан бирга, ташқи таълим миграцияси тескари таъсирга эга бўлмоқда. Таълим дастурлари ёшларнинг малакасини оширишга қаратилган бўлиб, улар миллий иқтисодий ривожлантиришга сармоя киритиши мумкин. Бироқ, бошқа мамлакатларда таълим олиш ва яшаш тажрибасини олган ҳолда, ўз ватанига қайтиб келган ёшлар республикадаги яшаш ва меҳнат шароитларидан қониқмасдан чет элда ишлаш ёки у ерда доимий яшаш мақсадида яна миграцияга йўналишмоқда.

Республика ёш фуқароларининг катта қисми таълим миграциясини ушбу мамлакатдан кейинги кўчиб ўтишнинг поғонаси сифатида қарайдилар. Ўзбекистонда ёшларнинг доимий яшаш учун эмиграцияси асосан таълим миграцияси орқали амалга оширилиши билан бирга, ташқи таълим миграцияси тескари таъсирга эга бўлмоқда. Таълим дастурлари ёшларнинг малакасини оширишга қаратилган бўлиб, улар миллий иқтисодий ривожлантиришга сармоя киритиши мумкин. Бироқ, бошқа мамлакатларда таълим олиш ва яшаш тажрибасини олган ҳолда, ўз ватанига қайтиб келган ёшлар республикадаги яшаш ва меҳнат шароитларидан қониқмасдан чет элда ишлаш ёки у ерда доимий яшаш мақсадида яна миграцияга йўналишмоқда.

Хулоса

Ўзбекистон ишчи кучи кучини экспорт қилувчи мамлакат сифатида қайтиб келган мигрантларнинг ортирган тажрибаларидан унумли фойдалана олса инсон капиталига қилган инвестициясидан фойда кўради, шунинг учун мигрантларга берилаётган имтиёзлар харажатлардан устун туриши зарур.

Таълим миграцияси ва юқори малакали мутахассислар миграциясининг инсон капитали ҳамда мамлакатнинг технологик ривожланиши билан боғлиқлиги бундай тоифадаги мигрантларнинг муваффақиятли қайтиб келиши учун ижобий ҳол ҳисобланади. Бироқ мигрантларнинг паст малакали ишларни бажариши ҳолатида бундай муносабатлар унчалик сезиларли бўлмайди. Агар мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазият ўзгармаган бўлса, у ҳолда трансфертлар инсон капиталига киритилган инвестициялар учун имкон қолдирмайди ва ҳар кунлик камбағалликга қарши кураш учун фойдаланишга сарфланади. Республиканинг барча ҳудудларида таълим сифати яхшиланмаса, эмиграция қилаётган ёшлар дастлаб борадиган мамлакатларида



юқорироқ малакали иш топиш имконияти камаяди ва мос равишда касбий ривожланиш имкониятлари ҳам камаяди.

Таълим тизимига инвестицияларни кўпайтириш, янги технологиялар бўйича мутахассисларни оммавий равишда ўқишни битиришга йўналтирилган янги олий ўқув юртларини очиш, талабаларни хорижий университетларга юбориш, шу билан бирга иқтисодий инновацион ва юқори технологик соҳалари ривожланмаганлигини сақлаб қолиш ёш мутахассисларнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга кетишини рағбатлантиради. Бу шуни англатадики, Ўзбекистон ушбу хорижий мамлакатларда инновацион иқтисодий ривожлантиришни молиялаштиради. Ушбу ҳолат инновацион ривожланган мамлакатларга ақллар ва ғояларни кетиб қолиши билан ҳам хавф туғдиради.

Республика ўз фуқароларининг меҳнат ва таълим миграциясини инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини бузмасдан чеклаш имкониятига эга эмас, бундан ташқари, бундай чоралар нафақат энг ўқимишли фуқароларнинг чиқиб кетишини ошириши мумкин. Шу сабабли, бюджет маблағлари ҳисобидан хорижда малака оширган мутахассислар томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан ишлаш форматини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларнинг хорижий мамлакатларда ўқиб, ортирган билимларини республика иқтисодий ривожланишига йўналтиришлари учун ёшларнинг хорижда ўқишни кредитлаш институтини жорий этиш зарур. Маблағларнинг грант йўли билан берилишидан фарқ қилувчи мазкур институт киритилган кредит ресурслари қайтарилишининг кафолатини, шунингдек олинган билимларни миллий ҳамкорликка йўналтиришнинг мажбурийлигини назарда тутати.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

1. Доклад о миграции в мире 2020. [Электронный ресурс]. https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr_2020-ru.pdf
2. Питайкина, И.А. К вопросу о теории человеческого капитала / И.А. Питайкина // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2015. – № 4 (36). – С. 237–245.
3. Шарапова, Н.В. Моделирование принятия решения о миграции в рамках теории человеческого капитала / Н.В. Шарапова, И.А. Борисов, Е.Е. Лагутина. [Электронный ресурс]. URL: <http://uecs.ru/uecs-94-942016/item/4237-2016-12-24-07-17-22?pop=1&tmpl=component&print=1>(дата обращения: 10.01.2017).
4. Володин В.М., Володина Н.В., Питайкина И.А. Влияние процессов трудовой миграции на качество человеческого капитала РФ. Вестник Дагестанского государственного технического университета. Технические науки. 2017; 44 (1):173-185. DOI:10.21822/2073-6185-2017-44-1-173-185
5. Harris J.R., Todaro M.D., Migration, unemployment and development: a two sector analysis. Amer. Econ. Rev. – 1970. – 60: 126–142.
6. Lee E.S. A theory of migration. Demography. – 1996. – V.3. – № 1.



7. Ravenstein E.G. The laws of migration // Journal of the statistical society. — 1885. — V.46.
8. Sjaastad L.A., The costs and returns of human migration. J. Polit. Econ. — 1962. — 70, 80–93.
9. Kerr W., Lincoln W. The Supply Side of Innovation: H-1B Visa Reforms and US Ethnic Invention. NBER Working Paper, no. 15768. Cambridge, MA, 2010. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.nber.org/papers/w15768> (дата обращения: 11.03.2018)
10. Kerr S, Kerr W, Zden Z & Parsons C. 2018. High-Skilled Migration and Agglomeration. Annual Review of Economics (forthcoming). [Электронный ресурс]. URL: <http://nrs.harvard.edu/urn-3:HUL.InstRepos:32062563> (дата обращения: 11.03.2018).
11. Қ.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 592 б.;
12. Максакова Л.П. Узбекистан в системе международных миграций // Постсоветские трансформации: отражение в миграциях / Под ред. Зайончковской Ж.А. и Витковской Г.С. / Центр миграционных исследований, Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН. - М.: ИТ «АдамантЪ». 2009.;
13. Мухитдинов Э.М.
14. Меҳнат миграциясини тартибга солиш масаласи муҳокама марказида бўлди. [Электронный ресурс]. <https://xs.uz/uzkr/post/mehnat-migratsiyasini-tartibga-solish-masalasi-muhokama-markazida-boldi>
15. Моисеенко В.М., Чудиновских О.С. Теория человеческого капитала и исследования миграционных процессов в России // Проблемы прогнозирования — 2000 — №.4 — С. 124–137.
16. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари
17. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари